Оила ва жамият

12 сон
24 — 30 март
1999 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ЎЗБЕГИМНИНГ ЎЛАНЛАРИ, ТЎЙЛАРИ КЎП

М. Мирсодиқов туширган сурат

Мамлакатимизда аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда. Оила йилининг давоми сифатида ўтаётган йилимиз Аёлларга бағишлангани ҳам муҳтарам зотларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунасидир. Дарвоқе, аёл билан олам мунаввар, дунё гўзал. Айниқса, аёл миллий либос кийса борми, янада чиройли ва гўзал кўринади. Дарахт япроғи билан, аёл эса эгнидаги либоси билан кўркам ва жозибалидир.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Наврўз байрами арафасида ўтказилган «Тўй либослари» кўрик танловининг якунловчи босқичида иштирок этарканман, ажойиб бир гўзалликдан ҳайратландим. Назаримда, саҳнада янграётган «Ёр-ёр» садоси бутун зални сеҳрлаб қўйгандек эди.

Йиғлама қиз, йиғлама,
Тўй сеники ёр-ёр
Остонаси тиллодан,
Уй сеники ёр-ёр...

Ушбу ёр-ёр оҳангларига мос тарзда саҳнада фарғоналик келин-куёвлар пайдо бўлишди. Келинчакнинг бошида оқ харир рўмол, эгнида беқасам тўну енгилгина оқ кўйлак. Чевар Дилором Умархонова тиккан беқасам тўнлару шойи матоларнинг четларига нафис дид билан ўралган нақшлар келинлар либосини янада очиб юборган.

Бухоролик чевар Нозима Ҳасановонинг юксак диди тасаннога лойиқ. Унинг оддий матолардан бежирим ва кўркам қилиб тиккан тўй либослари барчани ҳайратга солди. Бу либосларга бурканиб саҳнага чиққан келин-куёвларга боқиб «кўз тегмасин», деб қўйдим ичимда.

Самарқандлик келин-куёвларни тадбир иштирокчилари, залда ўтирган томошабинлар қарсагу қийқириқлар билан қарши олишди. Чевар қиз Насиба Бойисова ёш бўлишига қарамай ажойиб уй бекаси экан. У фақат келин-куёвлар либослари билан чекланиб қолмай, мучал, хатна тўйларида кийиладиган либосларнинг қадимийлик билан уйғунлашган замонавий усулларини ҳам ўйлаб топибди. Назаримда, уларда самарқандлик момоларнинг қайноқ нафаси уфуриб тургандек. Ажойиб бу санъат намунасини яратиш учун биргина меҳнат кифоя эмас, албатта. Бунинг учун нозик дид, қунт ва беқиёс меҳр-муҳаббат ҳам керак.

Кўрик-танловда ҳар қайси вилоят вакиллари халқимизнинг ўзига хос ва миллийлигимизга мос тўй либосларини намойиш этишди. Биридан ажойиб ва гўзал бу либосларни баҳолаш ҳайъат аъзолари учун ҳам осон бўлмади.

Танлов якунига кўра олий ўрин Фарғона вилоятига берилди. Биринчи ўрин Бухоро вилоятига насиб этди. Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Андижон вилоятлари учинчи ўринни эгалладилар.

Сурхондарёлик Барно Хайитова «Моҳир қўл соҳибаси», Навоий вилоятидан келган чевар Раҳима Камолова «Юксак маҳорат соҳибаси», Қашқадарё ва Наманган вилояти чеварлари Чевара Ҳасанова ҳамда Лола Ориповалар «Нозик дид соҳибаси» совринларига сазовор бўлдилар. Шунингдек ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

«Тўй либослари» Республика кўрик-танловида Республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова қатнашди.

НИГОРА ЙЎЛДОШЕВА

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСОЙИШТА ВА ФАРОВОН БЎЛСИН

Ҳурматли Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари юртимиздаги миллионлаб эътиқодли кишиларга маънавий, керак бўлса ғоявий қалқонга айланди. Президентимиз «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз», — деганларида шу юртда яшаётганлигимиздан, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда осойишта яшаётганликларидан Яратганга шукрона айтдик.

Касални иситмаси ошкор қилади. Бироқ касаллик ошкор бўлгунча аъзойи баданимизда касал тарқатувчи вируслар мавжуд бўлади, танамизда дармонсизлик ҳукм сўради. Агар вируслар бартараф этилса аъзонинг соғлиғи тикланади. Бироқ мафкурадаги бузғунчи «вирус»ни бартараф этиш, руҳиятимиздаги дармонсизликни олдини олиш анчайин мураккаб масаладир. Мана шу ўринда диннинг, диний эътиқоднинг покликка, софликка чақирувчи тушунчаларидан, қадриятлардан баҳраманд бўлиш ўринлидир.

Биз ислом дини ҳақида гапирганда, аввало, шу қутлуғ заминни, шу мусаффо осмонни яратган Оллоҳ ва унинг элчиси бўлган Муҳаммад алайҳи саломни, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ аллома-ларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Боболаримиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби ҳазратлар насиҳатларидан, тариқатларидан баҳраманд бўлиб, улар билан фахрланамиз, уларнинг давомчилари бўлишга саъй-ҳаракат қиламиз. Бу зотлар қолдириб кетган маънавий мерос, дунёқарашимизга, миллий мафкурамизга илакишадиган ҳар қандай бузғунчи «вирус»лардан ҳимоя этувчи воситадир. Зотан табибимиз уйимизда, орамизда экан, ўзга хонадон табибига муҳтожлик сезмаймиз. Жумладан Президентимиз «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», деганларида ҳамюртимиз Баҳоуддин Нақшбандниг «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Дилингда Оллоҳ бўлсин, қўлинг меҳнатда бўлсин», — деган насиҳатларини мустаҳкамлаб, бизларга яна бир бор таъкидлаяптилар. Айни вақтда юртимизда яратувчилик, бунёдкорлик ишлари авж олган шу улуғ кунларда қалбида имони бўлган ҳар бир инсоннинг иши унумли, чеҳраси нурли бўлиши тайин.

Ўзбекистонда диннинг ривожланиши инсонларнинг манфаатлари билан, оиланинг мустаҳкамланиши билан, аёлнинг улуғланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунга келиб яқин йироқдаги мухолифларимиз томонидан бизнинг динга нисбатан муносабатимизни бузиб кўрсатувчи турли эҳтиеллар, тусмол ва гумонлар баён этилаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Тўғри, бу ўринда ҳақиқий мусулмончилик нимадан иборату, мунофиқ, риёкорлик нимадан иборатлигини яхши англаб олмоғимиз керак. Юқорида инсон манфаатлари ҳақида сўз юритишимизнинг боиси шундаки, дин Оллоҳ томонидан одамлар бир-бирига яхшилик қилишлари учун, ўзаро меҳр-мурувватли, саховатли ҳамда оқибатли бўлишлари учун юборилган. Динда оиланинг бузилиши қатъий қораланади. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, ота-онанинг фарзанди олдидаги масъулияти, оилада эркак ва аёлнинг ўрни батафсил оятлар ва ҳадисларда баён этилади. Давлатимиз олиб бораётган ишлар ҳам айни шу йўналишдадир. Шундай экан, бизнинг юртда муқаддас ислом дини, ота-боболаримиз эътиқоди ҳамда фуқароларнинг таҳқирланиши мумкин эмас ва бу йўлда сиёсатимиз қатъийлигига аминмиз.

Бизда туғилган гўдакка азон айтилади, қурилаётган оилага никоҳ ўқилади, агар инсон оламдан ўтса жаноза ўқилади. Ибратли ҳолат шундаки, марҳумнинг тобутини ҳатто нотанишлар ҳам ақалли етти қадам кўтариб «Худо раҳмат қилсин», дея юзига фотиҳа тортади.

Шундай экан, бу эътиқод биз-нинг қон-қонимизга сингиб кетган. Президент айтганларидек: «...биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз». Биз меҳнатимиз билан юрт тараққиётига ҳисса қўшсак, ибодатларимизда юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини яратган Оллоҳдан сўраб қоламиз.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
Олий тоифали ўқитувчи

1999 ЙИЛ — АЁЛЛАР ЙИЛИ

БАРЧА ОНАЛАРГА БАХТ ТИЛАЙМАН

Ўтган йили «Энг намунали оила» Республика кўрик танловида Самарқанд вилояти Ғузалкент туманидаги Ғузалкент жамоа хўжалигидан Иқбол ая Мирзаевалар оиласи ҳам қатнашиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритишди. Улар кўрикка боргунга қадар вилоят кўрик-танловида фахрли 1-ўринни олишга сазовор бўлган эдилар. Бу бахтли хонадонда 10 нафар ўғил-қиз ўсиб, камолга етишган. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Турли касб эгалари.

Тўнғич фарзанд — Мукаррама Бўронова — қаҳрамон она, бошлангич синф ўқитувчиси, нафақахўр. Гулжаҳон ҳам муаллима. Ёқубжон, Фарҳод, Севара ва Гулсанамлар — врач, Ғайрат — тадбиркор. Айни дамда Қарши шаҳридаги «Хумор» хусусий фирмасининг раиси, Баҳодир-туман ички ишлар бўлими ходими, милиция капитани, Барногул «Жумамаркет» магазини сотувчиси. Олимжон-муҳандис, технолог. Тадбиркорлик билан шуғулланяпти.

Бахтли онахон — Иқбол Мирзаева тўлқинланиб шундай дейди:

— Ёшим 80да, умр йўлдошим билан 53 йил бирга яшаб, бу ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини бошимдан кечирганман. Ота-она учун энг олий бахт, бу фарзандлар камолини, бахтини кўришдир. Ўғил-қизларимиз камоли етук инсон бўлишларининг пойдевори оилавий муҳитдан бошланади. Фарзанд ҳам мисоли бир ниҳол, қайси тарафга эгсангиз ўша тарафга бўй чўзади, қанча яхши парвариш қилсангиз, мевалари мазали ва мўл бўлади. Биз фарзандларимиз қалбига она-Ватанни, оиласини касби-корини, инсонларни севиш ва эъзозлашдек буюк ҳис туйғуларни сингдира олганимиздан ва ота-она ўгитлари, ижобат топаётганидан бахтиёрмиз.

Ўткир САЙДОВ,
Самарқанд вилояти

МЕҲР ТУТИБ ЯШАЙЛИК

АЁЛЛАР ЙИЛИ ДАСТУРИ — ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган махсус Дастуридаги бош мақсад — аёлнинг ҳаётига яқин бориш, унга меҳр кўрсатишдир. Ушбу Дастур юзасидан жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Республика «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг раиси Эркин БОҚИБОЕВ жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— «Қобуснома»да шундай бир ҳикмат бор: «Кексаларни қанчалик иззат-ҳурмат этсанг, уларнинг сен ҳақдаги яхши дуолари шунчалик тез ижобат бўлгай!». Дарҳақиқат, кексалар ҳаётлари давомида бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун ғайрат-шижоат сарфлаганлар. Бундайлар орасида аёллар ҳам анчагина. Биргина Тошкент шаҳрида 1700 нафар аёллар уруш йилларида фидокорлик кўрсатганлар. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида эса бу жиҳатдан салмоқли рақамларни тилга олиш мумкин.

Белгиланган Дастурга кўра амалга оширажак ишларимиз режаси жамғармамизнинг вилоят Кенгашларига етказилди. Ишимизни ушбу Дастурга кўра ташкил этдик. Аёллар байрами кунларида жамоамизда тўрт нафар масъул шахслардан иборат бўлган учта гуруҳ аъзолари табаррук ёшдаги фахрияларнинг уйларига ташриф буюрдилар. Муқаддам Ашрапова, Мавжуда Саматова, Махфират Раҳимова, Озода Мавлонова, Фотима Бобоева, Ойжамол Қодирова, Роҳия Сулаймонова, Салтанат Отабекова, Ҳалимахоним Носирова, Анвара Мукаррамова, Марина Кручинина, Вера Бивко сингари уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бирига қимматбаҳо совға-саломлар тарқатилди. Бундай хайрия тадбирлари Наврўз айёми кунларида янада кенг қамровда давом эттирилди.

Ногирон аёлларга меҳр-шафқат кўрсатиш, боқувчисиз қолганларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш белгиланган режаларимизнинг дастлабкисидир. Шунингдек, ушбу йил давомида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Янги тафаккур» мулоқот клубимизнинг ўзбекона урф-одатлар, иймону оқибат, анъанавий қадриятларимиз борасидаги баҳс-суҳбатлари ўтказиб борилади. Жамғармамиз ва унинг жойлардаги бўлимлари тизимидаги хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳлари ўз фаолиятларини янада жонлантиради. Юртимиз бўйлаб «Ибратли момо» кўрик-танлови ўтказилади. Мутасадди ташкилотлар кўмагида кекса санъаткорларнинг хайрия концертларини уюштириб, ундан тушган маблағни ногирон ва ёрдамга муҳтож аёлларга тарқатиш ниятимиз бор. Нафақадаги шоира ва адибалар, турли соҳадаги машҳур аёллар билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказиш йўлга қўйилади. Давлат Дастурида белгиланган суҳбат ва йиғинлар, «Оила ва жамиятда аёлларнинг ўрни» мавзуидаги илмий анжуманларда нуроний онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг фаол иштироки таъминланади.

Маълумки, бу йилги 9 Май Хотира ва қадрлаш куни сифатида байрам қилинади. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг **«Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик!»** — дея айтган ҳикматона сўзлари бор. Ахир инсон деган ном азиз, ҳар бир киши бу ҳаётда, эл орасида ўз қадру қимматини топмоғи жоиз. Масъул идоралар билан ҳамкорликда биз «Турон аёлларига мардлик ярашур!» мавзуида мазмундор кечалар ўтказишни режалаб турибмиз. Бундай давраларда ҳалок бўлган жангчи аёллар жасорати хотирланади, уларнинг хонадонидагиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Шу каби катта тадбирлар жамғармамизнинг барча вилоятлардаги Кенгашларида ҳам амалга оширилади.

Темурийлар авлодидан бўлмиш шоира Зебуннисонинг машҳур сатрлари бор:

— **Каъбага бормоқ на ҳожат, агар дил овласанг...**

Эъзозли онахонларимизни янада иззатлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиб дилини овлаш фақат аёллар йилида эмас, балки доимий бурчимиз бўлиб қолаверади.

Суҳбатни Гулчеҳра ЖАМИЛОВА ёзиб олди

САВОБ ИШЛАР КЎПАЙСИН

Меҳр-оқибат, илиқлик ва уйғониш, умид ва соғинч байрами Наврўзда кўнглингиздан қандай ўй-ҳаёллар кечаяпти?

Йўлдош ҳожи:— Зангиота туманидаги «Йўлдош ҳожи» хусусий фирмасининг раҳбари:

— Наврўз байрамини яхши ниятлар билан кутиб олдик. Улуғ айём куни «Ўзбекистон», «Ибн Сино» ва «Белтепа» маҳаллаларида истиқомат қилаётган ночор, ёлғиз фуқароларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, нуроний отахон ва онахонларга, 3 та болалар боғчасида тарбияланаётган 500 дан зиёд «ширинтой»ларга сабзавот ва лимон маҳсулотларини тортиқ этдик.

Маҳмуд МАЖИДОВ: «Беш-ёғоч» фирмасининг директори:

— Бизнинг «Бешёғоч» фирмамиз пойтахтимиздаги йирик «Кока-кола», «Алп-Жамол», «Абседиан» фирмалари қатори халқимизнинг энг ардоқли ва қадрли тантаналарида ҳомийлик қилиб келмоқда.

Биз хайрли ишларимизни Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси орқали амалга оширмоқдамиз. Элимиз хурсандчилигига хурсандчилик қўшиш энг олий ниятимиз.

Суҳбатдош Мухтор БЕК

БОЛАЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Соғлом авлод учун

Инсон ҳали кўзлари юмуқ ҳолда дунёга чинқириб келаркан, уни меҳру меҳрибончиликлар билан ўраб олувчи, унинг яшаб, ўсиб, камолга етиши учун қулай, мўътадил иқлим яратиб берилувчи омиллар зарур. Республикамизда болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳар томонлама ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш махсус Давлат дастурлари асосида олиб борилмоқда. Ўзбекистон Болалар жамғармаси қошида ташкил этилиб фаолиятини бошлаётган Оила Кенгашининг мақсад-муддаси ҳам ана шу ниятни кўзлайди — ҳар бир бола оилада — меҳр-муҳаббат барқарор иқлимда ўсиб етилсин.

Бу ҳақда Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова шундай дейди:

— Оила кенгашимиз оиланинг мавқеи ва асосини мустаҳкамлаш, фарзандларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб ўстириш, оила муаммоларини чуқур ва илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда бу ишни давлат идоралари, муассасалар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширишни кўзлайди. Оила кенгашимиз аъзолари ҳаётда ўз меҳнати билан, ибратли ҳаёти билан жамиятимизда қадру эътибор топган таниқли кишилардир — Ҳатимахон Шайхова, Ҳосият Ёқубжонова, Наима Маҳмудова, Калон Шодиев, Санобар Шодиева, Сожида Зиёева, Дилобар Қобулова, Таваддуд Агламова, Турсуной Ешимбетова,Ирина Савельева, Раъно Каримова... Кенгашимиз аъзолари маҳалла ва турар жойларда бўлиб энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳол-аҳволини ўрганиш, зарур амалий ёрдам кўрсатишни бошладилар.

Оила Кенгашининг навбатдаги йиғилиши кетаяпти. Кенгаш аъзолари бирин-кетин ўзлари қузатган, тадқиқ этган ва ўз ўрнида амалий кўмак кўрсатилган оилалар ҳақида маълумот берадилар.

— Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳаллада бўлдим, — дейди Ҳатимахон Шайхова. — Маҳалла қўмитаси раиси Тоҳир ака Қўчқоров билан бирга Ғафур Ғуломов хонадонида бўлдик. Оила бошлиғи 1-гуруҳ ногирони, нафақахўр. Улар Шарифахон опа билан 3 неварани боқишаяпти. Маҳалладан моддий ёрдам кўрсатилаётган экан. Хонадонида яхши муҳит барқарор эканлигига гувоҳ бўлдим.

— 16 февраль воқеаларидан бевосита азият чеккан, яъни боқувчисидан жудо бўлган Шайхонтоҳур туманидаги оилада бўлдим, — дейди Сожида Зиёева. — Маҳалла фаоллари билан оила шарт-шароитларини ўргандик, уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш, эътибор беришларини сўраб ёзма равишда шаҳар раҳбарларига мурожаат қилдик. Бу оиланинг ҳол-аҳволини бундан кейин ҳам диққат-эътиборимда тутаман.

— Инсон ҳаёт экан ҳамиша маънавий ҳимояга ҳам эҳтиёжманддир, — дейди Санобар Шодиева. — Мен Чустий маҳалласидаги ночор оилалар ҳол-аҳволи билан танишарканман санъат соҳасида иқтидорли бўлган болаларни ҳам аниқлаб чиқмоқдаман. Уларнинг бўш вақтини мазмунли, фойдали ўтказиш юзасидан тадбирлар уюштиришни мўлжалладим. Бу маҳаллада санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказишни мўлжалламоқдамиз.

— Оила кенгашимиз ўз фаолиятини энди бошлади, — дейди Инқилоб Юсупова. — Вилоят ва туманларда ҳам ана шундай кенгашлар тузиш, бу керакли ва савоб ишни кенг қанот ёздиришни кўзламоқдамиз. Мақсадимиз — ҳаммамиз учун азиз бўлган бу азиз Ватанимиз бағрида келажагимиз эгалари — болаларимиз ҳаёт завқу шавқини тўлақонли ҳис этиб униб-ўсишсин...

Д. САИДОВА

ҲАМОН ҚЎМСАБ ЯШАЙМАН

«Табиатга яқин ўйинлар» — 8-сон

Ёшим 80 га яқинлашиб қолган кекса педагогман, иш фаолиятимнинг асосий қисми болалар билан ўтган. Узоқ йиллик ўқитувчилик тажрибамдан биламанки, табиат қўйнида кўпроқ бўлган, тўйиб-тўйиб ўйин ўйнаган бола анча зийрак ва кузатувчан бўлади.

Табиатга боғланмаган ҳозирги замонавий ўйинлар болалар учун қизиқарли бўлса-да, уларнинг фойдасидан зарари кўпроқ.

Шаҳарнинг мен яшайдиган Ибн-Сино мавзесидаги нон дўкони ёнида 20 тача бола сиғадиган бир пастқам хона бор. Шу зах босган ерда бир йигит 4-5 та компьютерни ишга солиб, ишқибоз болалардан пул йиғиб ўтиради. Айтишларича, кўпчилик болалар у ерда 2-3 соатлаб қолиб кетишаркан. Албатта, бола компьютер ўйинларининг зарарли томонини тушунмайди, у томошага қизиқиб, ўқишдан қолиб ота-онасидан олган пулини шу ерга сарфлайди. Майли, боланинг хурсандлиги учун пул кетса-кетар, аммо унинг зах жойда 3-4 соатлаб зарарли нур чиқараётган экранга тикилиб ўтириши оқибатида соғлиғига путур етишини ҳеч ким ўйламайди. Компьютерчи эса болаларни қизиқтириш билан овора, пул тушиб турса бўлди-да.

Компьютер ўйинларида боланинг фақат кўзи ва қўлоғи қатнашади холос, табиат билан алоқаси бутунлай узилади.

Халқ ичида тарқалган, қадимдан болалар севиб ўйнайдиган ўйинлар эса, аксинча, табиатга яқинлиги, беозорлиги ва чуқур маънога эгалиги билан ажралиб туради. Улар халқимиз тарихига дахлдор. Шунинг учун маълум маънода тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ўйинлар учун керакли нарсаларни асосан болаларнинг ўзлари тайёрлашади, ортиқча сарф-харажат ҳам қилинмайди.

Мақолани ўқирканман, беихтиёр кўз олдимда ёшлик хотираларим жонланди. Болалигимда мен шу ўйинлар ташкилотчиси, ташаббускори эдим, ўртоқларим билан ҳар хил ўйинларни ўйнаб чарчамас эдик. Энг қизиғи кўпинча ўйинларимиз ота-онамиз бизга топширган ишларга боғланиб кетарди. Болалар билан Хотинкўприкка (ҳозирги Талабалар шаҳарчаси) молларимизни боқиб бориб ҳеч ким устига чиқа олмайдиган улкан ёнғоқлар тагидаги хазонлар ичидан олақарғалар тумшуғидан тушиб қолган ёнғоқларни териб олардик-да, текисроқ жой топиб ёнғоқ ўйнардик.

Халқ ўйинларининг яна бир муҳим хусусияти шуки, улар фаслларга қараб ўзгариб туради. Масалан, чиллак баҳор, ёз, куз фаслларида ўйналса, варрак учириш, қуш ясаш (қуруқ новда учига найза, орқасига қуш пати ўрнатилади ва узоққа отилади) баҳорда... Ланка, арқондан сакраш, тўптош, ёнғоқ, данак, ошиқ каби ўйинлар эса фақат кузда ўйналади. Ўйинлар баҳона биз фаслларни соғиниб яшардик.

Ёшлигимда варрак ясашга ишқибоз эдим. Лайлак варрак, дока варрак, туморча варрак, қуроқ варракларнинг устаси эдим. Деярли бутун маҳалла болаларини варрак билан таъминлардим. Катта қуроқ варраклар учун кузда далага бориб самбит (ҳозир жуда камайиб кетган) олча ёки тоғолча дарахтларининг силлиқ новдаларини қирқиб келардим-да, бўш вақтимда бир томонини текислаб варрак қилишга тайёрлаб қўярдим.

Тўп ўйинлари учун қулбола копток ясаб олардик. Бунинг учун иккита эски дўппи бир-бирига уланади ва ичига енгил нарсаларни таранг қилиб солиб тикиб қўйилади.

Мақоладаги таклифларга қўшилганим ҳолда азиз юртдошларимизни ҳам бу савоб ишдан четда қолмасликка чақираман. Шундай қилсак халқимиз ўйинлари тикланиб боради ва улар хонадонларда, мактабу боғчаларда болаларимиз ҳаётига тадбиқ этиб борилади. Авлодимиз соғлом, зукко ҳамда тарихий анъаналаримизга содиқ бўлиб ўсади.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

СУТДАН ОҒЗИ КУЙГАН...

Қозоғистон фуқароси Оринбек Бойқўзиев молбозорни оралаб юриб, елинидан сут томиб турган танадор ола говмуш атрофида эмизувли бузоқчаси каби ўралашиб қолди. Мол эгаси содда, кўнгли очиқ одамга ўхшайди. Говмушни бир кунда неча литр сут беришию, ундан қанча ёғ чиқишигача сўраган-сўрамаган харидорларга достон қилиб турибди.

Оринбек сигир билан бузоқни даллолсиз арзон гаровга савдолашди.

Икки бош туёқ унга бозор баҳосида 45000 сўмга тушди. Энди бу жониворларни эсон-омон юртига етказиб борса бўлди-марра уники. Пичоғи мой устида бўлиши шубҳасиз. Лекин айланма йўл орқали ўзга юртга ўтлаш учун кетаётган онабола сигир билан бузоқчага «Ялама» божхона маскани ходимлари «тушов» солишди. Энди сутдан оғзи куйган мол эгаси бундан буён қатиғни ҳам пуфлаб ичса ажаб эмас.

БЕВАФОЛИК ҚИЛДИ

Ит вафо... аммо ҳамма ит ҳам вафодор бўлавермас экан. Бу маҳлуқлар ичида бевафолари ҳам учрар экан. Андижонлик Дилшод Ҳолмирзаев бир гал шунақа итга дучор бўлди. Қандай қилиб дейсизми? Мана эшитинг: Дилшод Ўш шаҳри автовокзалида нотаниш шахсдан 150 қирғиз сомига 0,6 грамм героин моддасини сотиб олади. Целофан қоғозга ўралган гиёҳвандлик воситасини у ички кийимлари орасига жойлаб яширади. Кейин хотиржам бўлиб «Тико» енгил автомашинада йўлга отланади. Бироқ, йўлда юриш азоб. Минг бир чиғириқдан ўтиб бориш керак. Айниқса божхона кўриги ёмон. Ходимлар бирам зийрак ва ҳуш ёрки, асти қўяверасиз. Ёрдамчиларини айтмайсизми? Улар дастидан иштон ичида тугул, ичак тубида ҳам зиғирдек нарсани яшириб олиб ўтиш қийин. Чунки ҳид билган ёмон экан. Божхоначиларга кўмакдош бўлган Чайз лақабли ит ҳам Дилшоднинг сирини ошкор этиб қўйди. Образли қилиб айтганда, унга бевафолик қилди. Ушбу ҳолат бўйича фуқаро Д. Ҳолмирзаевга нисбатан Андижон вилояти божхона бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 245-моддаси 2-банди билан жиноий иш қўзғатилди.

ТЕРИФУРУШЛАР

Қирғизистонлик Муҳаббат Абдуллаева билан Файзихон Шерғозиевалар вақтинча ишсиз қолишди. Бекорчидан худо безор, дейдилар. Қолаверса, тирикчилик тошдан қаттиқ. Яшаш учун ейиш-ичиш керак. Балиқ сув билан, одам овқат билан тирик.

Бу икки аёл пул топиш ниятидан умрида қилмаган ишга қўл уриб, терифурушлик қилишди. Лекин кўза кунда эмас, балки кунида синади деганларидек М. Абдуллаева 120000 сўмлик 60 дона, М. Шерғозиева эса 160000 сўмлик 80 дона мол терисини ноқонуний равищда Республикадан ташқари олиб чиқиб кетаётганда божхона тўрига илинишди. Ҳойнаҳой, энди терифурушлар совуқ терга ботиб ўтиришган бўлсалар керак. Начора, «бошингга не бало келса бировдан эмас, ўзингдан кўр» дейди доно халқимиз.

ЎЗИМИЗДА ҚОЛДИ

Сирдарё божхона масканига қарашли «Сайҳун» тезкор гуруҳи ходимлари томонидан Саидмурод Султонов бошқарувидаги автомашина текширилганда унинг юкхонасидан 100 килограмм рангли металл чиқиндиси борлиги маълум бўлди. Юк эгаси Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи Юсуф Эркабоев бўлиб, у ўзи яшаб турган тумандан йиғиб олган металл чиқиндиларини ҳеч қандай ҳужжат ва рухсатномасиз Қозоғистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётган экан. Ҳартугул божхоначилар металл кукунларини, табиий бойлигимизни ўзимизда сақлаб қолишди. Ушбу ҳолат бўйича божхона суриштирув бўлими томонидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

К. ТОШ,
М. БЕК

КЎЗЛАРИДА ҲАЙРАТ ҚОТГАН БОЛАЖОН

Иш вақти тугаб, уйга кетмоқчи бўлиб турганимда кўзлари қизарган, чеҳрасида қайғу-ғам акс этиб, 30 ёшлардаги жувон кириб келди.

Салом-аликдан сўнг ўзини Нуржаҳон дея таништирди. Кўзларида шунчалар мунг бор эдики...

— Ҳаммасини бир бошдан гапириб берай, опажон, сиз ҳам балки мени лаънатларсиз, балки ёрдам берарсиз... — деди у ва дард-ҳасратини сўзлай кетди.

...Ўнинчи синфда ўқирдим, қишлоғимизда Абдуманнон исмли йигит бор эди. Тўйларда қўшиқ айтарди. Ажойиб овози бор эди. Хуллас, ўша йигитга кўнгил қўйдим. Бир-биримизни жуда яхши кўрардик. Май ойида у билан тоққа лола тергани кетдик. Ўртоқлари ҳам яхши кўрган кизларини бирга олиб борди. Ўша ерда биз аҳду паймон қилдик. Кечаси қизлардан яшириниб, у билан бирга кетдим. Тоғ яқинидаги бир уйга-танишиникига олиб борди. Ўшанда уй эгасининг таънали қараганини сезиб Абдуманнон акам мени «хотиним бўлади» дея таништирди. Ким билсин, у мени ҳақиқатдан ҳам яхши кўрган-дир, балки бир лаҳзалик ҳавас учун ҳаётимнинг остин-устун бўлишига сабаб бўлган шу кунни режалаштирган-дир. Хуллас, шу кундан мен унга боғланиб қолдим. Ўша ердан қанча-қанча орзуларни қалбимизга жо қилиб қайтдик. Мактабни эртароқ якунласаму, эртароқ тўйимиз бўлса дер эдим. Ахир тўй бўлмаса иложимиз йўқ эди. Июнь ойида имтиҳон топшириб чиқсам, одатдагидай учрашув жойимизда у кутиб турибди. «Армияга кетяпман... Нуржаҳон, шундай бўлиб қолди, фақат кутгин. Қўрқма, сени ҳеч қачон ташламайман. 1-1,5 йил ўтиб кетади. Уйдагиларга айтиб кетаман. Жуда бўлмаса хат ёзсанг, қийналсанг унаштириб қўйишади». У кетди... Йиғлаб-йиғлаб уйга кетдим. Кечаси ота-онамдан яшириниб яна учрашувга чиқдим... Яна бирга бўлиб, унинг меҳр билан айтадиган сўзларини тингладим.

У кетди. Шундагина мен қилган хатоимизни тушуниб етдим... Икки ой ўтгач ҳомиладор эканимни, биз фарзандли бўлишимиз мумкинлигини сезиб ўзимни қўярга жой тополмай қолдим...

Ота-онам нима дейди? Қишлоқдагилар нима дейди?

Қорнимни рўмол билан қаттиқ боғлаб юрдим. Кўпинча ўзимни касалга солиб ётардим. Тенгдошларим ўқишга, ишга киришди. Шу орада ундан хат олдим. Менга таскин бериб, қандай қийинчиликлар бўлмасин кутишни айтган, уйдагиларига айтолмаганини, борганда ўзи ҳаммасини тушунтиришини, албатта бирга бўлишимизни ёзган эди. Хатни биров ўқиса нима бўлади деб, анча вақт ёзмай юрдим. Кундан-кунга ҳомилам катта бўларди. Ич-этимни еб юрган кунларнинг бирида эрталаб опам:

— Нуржаҳон, анави қўшиқчи йигит борку, сен қўшиқларини яхши кўрадиган Абдуманнон — Фарҳод устанинг ўғли — ундан телеграмма келибди. Қандайдир операция бўлибди. Ота-онаси кетибди. Оғир эмиш,— деди. Бу хабардан кўз олдим қоронғилашиб ўзимни бутгул йўқотиб қўйдим. Ўша кун мен учун, азобли бир дунё бўлди. Кўз ёшимни тия олмайман. Касалман, деб ётиб олдим. Эртаси куни қишлоқда йиғи овози эшитилди. Абдуманнон акамнинг ўлигини олиб келишибди. Дунёга сиғмадим, опажон, пешонам мунча шўр бўлмаса, куйганимни, ёнганимни биров билмаса, нега кўзингда ёш демаса. Кўнглим аза тутди, кўзим аза тутди, жисмимнинг ҳаққи йўқ эди... Айтай десам тилимга сўз келмайди, айтмай десам дилим қон... Қишлоқда туролмайман. Баҳона излаб топиб, қўшни қишлоққа-аммамникига кетдим. Ота-онам ҳам кўп касал бўлди, бир ёзилиб келсин, дея индамади.

Тўққизинчи ой. Жисмимда севимли кишимдан қолган бир ёдгорими кўтариб юрибман... поччам ишда, ўғиллари шаҳарга кетишганди. Аммам қишлоқдаги қайсидир дугонасиникига кетганди. Бирдан дард тутди. Опажон, ўзимни ҳам, бевақт хазон бўлган Абдуманнон акамни ҳам юз бор лаънатлаб фарзандимни бир азоб билан туғдим... Мени туққан онамни қарғадим. Бошимни деворга уриб, оғриқ азобидан дод солмаслик учун лабларимни тишлаб қонатдим. Бола йиғлаб дунёга келди. ... Шунча қаҳрни, шунча нафратни қаердан топдим... Нима қилаётганимни ўзим ҳам тушунмасдим. Фақат ҳеч ким билмасин дейман, холос. Сочлари қоп-қора ўғилча қип-ялангоч ҳолда чирқирар, кўмак сўраётган, илтижо қилаётгандай эди. Билмайман, менга ишонинг, ўзим сезмаган, тушунмаган қандайдир куч билан болани бўғишга тушдим. Бир лаҳзагина дунёга келганини билдириб чирқираётган гўдакнинг овози чиқмай қолди. Ўша важоҳат-ўша нафрат билан катта адёлни олиб шоша-пиша болани, ҳамроҳини ўрадим, қон юқи кийимларимни ҳам. Шунда бехосдан қадам товушларини эшитдиму қотиб қолдим. Остонада опам юзлари оқарган бир аҳволда турарди.

— Жувонмарг ўлгур, нима қилиб қўйдинг... Ўзимам сезувдима сен қизгина ўлгурга бир нарса бўлган деб...

Хуллас, опамга ялиндим, ёлвордим... бор гапни айтиб, ҳеч ким билмасин деб оёғига йиқилиб йиғладим. Опа-сингил болани олиб чиқиб қоронғида қишлоқ чеккасидаги қабристонга кўмиб келдик. — Аёл.. ўзини тутолмай ўкириб йиғлаб юборди. Бир неча вақт ўзини босолмай, юзини қўли билан бекитганча йиғлайверди...йиғлайверди. Сўнгра кўз ёшларини артиб сўзида давом этди: — «Опажон, мен бахти қарони кечиринг. Орадан йиллар ўтди. Турмушга чиқдим. Опам ўртага тушиб, хотини бевақт оламдан ўтган (биринчи фарзандини туғолмасдан ўлган экан) бир йигитга узатишди. Опам қуда тарафга нима деб баҳона қилдилар билмадим. Йигит бетимга таъна ҳам қилмади. Орадан мана саккиз йил ўтаяпти. Худога илтижо қилиб фарзанд сўрайман, лекин... оҳим худога етмайди. Опажон, кечалари боламнинг биғиллаган чинқиғигини эшитаман. Қулоқларим чиппа битиб телбага айланаман... Боланинг, бегуноҳ боланинг руҳи мени тинч қўймайди. Ёлғиз қолишдан қўрқаман, опажон. Турмуш ўртоғимни ҳам қийнаб қўйдим чоғи. Кечалари алаҳлаб чиқаман. Бир куни қариндошуруғи йиғилиб келишди. Онаси: «Бўлди келинжон, биздан хафа бўлманг, болам битта тирноққа зор бўлиб яшай олмайди. Уғлимнинг ҳам, сизнинг ҳам пешонангизни худойимнинг ўзи очсин», — дедилар. Бу уйдан ҳам кетдим, мана, эрим уйланиб, яқинда қизчали бўлди. Ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрибман...

Опажон, ёрдам беринг, менга ёрдам беринг, нима қилай...

Шу юришда ақлдан озиб жинни бўламан. Боламнинг руҳи мени тинч қўймаяпти, опажон, нима қилай...

Ўзимни уриб, титраб-қақшаб йиғлаётган аёлга, туғриоғи ўз боласини ўлдирган қотил онага нима ҳам деб таскин бера оламан. Кўз олдимга дунёга бир зумга келиб, кўзларида ҳайрат қотган бола келди-ю..., сўз қотмасдан ҳовлига чиқдим...

Билмадим, аёл қачон чиқиб кетди, қаерга кетди...

Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда унга нима деган бўлардингиз замондошим?!

Яна бир гап. Келинглар, қиссадан ҳисса чиқариб етилиб келаётган ёш қизларимизга, йигитларимизга ҳам айтар сўзимиз бўлса — биргаликда айтайлик...

Ҳафиза ЎСАРОВА,
Самарқанд вилояти,
Жомбой туманидаги
Деҳқонобод маҳалласи
хотин — қизлар кенгаши раисаси

«Кунларнинг бирида...»

ҲАММОМГА ҲОМИЙ КЕРАК

Мен 83 ёшли меҳнат фахрийсиман. Турмуш ўртоғим — Тошпулат Аҳмедов эса уруш ва меҳнат фахрийси. У киши узоқ йиллар суд, адлия соҳасида ишлаган. Ҳозир ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб келади.

Икковимиз ҳам «Болалар уйи»да вояга етганмиз. Турмуш қурганимизга олтмиш бир йилдан ошди. Эллик йилдирки, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани «Фаол» кўчасидаги 38-уйда яшаймиз. Муъжазгина ҳовлида табиий газ, тоза ичимлик сув етарли. Биргина камчилигимиз ҳаммомимиз йўқ. Тўғриси, ўз ҳисобимиздан ҳаммом қуришга қурбимиз етмайди. Чол-кампир 6500 сўм нафақа оламиз, холос. Бу ҳам бўлса ўзимиздан ортмайди.

Биз айнан шу масалада туман ҳокимиятига ёрдам сўраб қайта-қайта мурожаат этдик. Лекин бирор фойда чиқмади. Юқори ташкилотга шу мазмунда ёзган шикоят хатимиз юзасидан ҳеч ким келиб текшириш ўтказмади. Биз билан суҳбатлашмаган, турмуш шароитимизни кўрмаган ҳолда туман ҳокими ўринбосари У. Раҳмонбоев жавоб хати ёзиб юборибди. Тошкент шаҳар ҳокимлигига жўнатилган мазкур жавоб хатининг бир нусхаси бизга ҳам берилган.

«Хат муаллифи қайд этилган манзилида турмуш ўртоғи, ўғли, келини ва учта набираси билан биргаликда туради, — дейилади жавоб хатида. — Ҳозирги кунда оиланинг иқтисодий аҳволи қониқарли. Т. Аҳмедов (хат икковимизнинг номимиздан ёзилган) суҳбат чоғида ҳовлисида ҳаммом қуришда ёрдам беришни сўради. Айни пайтда ҳокимиятда бундай имконият йўқлиги тушунтирилди ва хат муаллифи бу жавобдан қониқди».

Шундан сўнг биз қайта ариза ёзишга мажбур бўлдик. Лекин шундан кейин ҳам туман ҳокимиятидан бирорта вакил келиб мавжуд аҳвол билан танишгани йўқ. Аввалгидек жавоб хати келди. Унда ҳокимиятнинг 10000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш имконияти борлиги қайд этилган. Бу пулга ҳозирги шароитда ҳаммом қуриб бўлмаслиги барчага аён. Зора, Аллар йилида ногирон бир аёлга ҳаммом қуришга ёрдам берадиган ҳомий топилса, деган ниятдаман.

Собира АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳри

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Умр бўйи ҳалол яшаб, ҳалол ишлаб келган отахон-онахоннинг (уларнинг ҳар иккаласининг ҳам ёши 80 дан ошган) оғирини енгил қилиб, ёлғиз тилаги ижобат топишида ёрдам бермоқчи бўлган юртдошларимиз албатта бор, деб ишонамиз. Шундайлар бор бўлишса, редакциямизга мурожаат этишсин. Биз кекса отахон-онахоннинг манзилини маълум қиламиз.*

АНТИҚА МАСЛАҲАТ

Мен Шаҳрисабз туманидаги «Мироқи» матлубот жамиятида ишлаб ҳомиладорлик таътилига чиққандим. 1996 йил март ойида туғилган фарзандимга беш ой мобайнида нафақа олиб келдим. Кейин негадир берилмасдан қолди. Сабаби билан қизиқиб кўрдим. «Мироқи» очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани учун шундай бўлган экан. Мазкур жамият раиси Мустафо Муҳитдиновнинг менга берган жавоби шу бўлди. Нафақа тарқатувчи, ҳисобчи Ойша Юсупова эса антиқа маслаҳат берди:

— Сиз ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшанг, — деди у. — Биз шу ҳақда маълумотнома ёзиб берамиз. Бу ҳужжатни шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига топширсангиз, болаларингизга давлат томонидан нафақа пули берилади.

«Кейин қаерда ишлайман», деб сўрасам: — «Э, буёғини ўйламасангиз-чи, бир гап бўлар», дейди у киши.

Шундай қилиб, ҳозир нима қилишни билмай турибман. Бу орада иккинчи фарзандим дунёга келди. Лекин унга суюнчи пул олдим, холос. Нафақа олиш учун идорама-идора югураверib чарчадим. Раҳбарларга мурожаат этишдан ҳам наф йўқ. Улар фақат ваъда беришдан нарига ўтишмайди. Арзи — ҳолим газетада босилса бирор ўзгариш бўлар, деган умиддаман.

Х. ШУКУРОВА,
Шаҳрисабз тумани, Темур Малик кўчаси, 6-уй

КЎЗИНГИЗНИ КАТТАРОҚ ОЧИНГ, ҚИЗЛАРЖОН!

ФИКР

«Оила ва жамият» газетасига обуна бўлмаган бўлсам-да, кўп сонларини ўқиб бораман. Унда ёритилаётган мақолаларни ўқирканман, беихтиёр менинг тақдиримга ўхшаш тақдирлар ҳам бормикан, деган фикр хаёлимдан ўтади. Лекин, бир донишманд айтганидек, «бахтли оилалар ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилалар эса ўз-ўзича, бир бирига ўхшамаган ҳолда бахтсиздир».

Биз бир-биримизни кўрмасдан, билмасдан ота-оналар орқали турмуш қурдик. Тўғриоғи, мен уни кўрганимда гишт қолипдан кўчган, нон синдирилган эди. Менинг йиғлаб-сиқташларимга онам: «Шарманда қилма мени, фотиҳани бузса ёмон бўлади», — дедилар. Шу билан тўй бўлди. Мана шунга ҳам йил бўлибди. Биз эса ҳар 3 куннинг бирида жанжаллашамиз.

Оилаларнинг ҳаммаси ҳам юз фоиз муҳаббат билан қурилмайди. Лекин бирга яшайдиган кишингиз сизга бироз ёқиши, озгина кўнглингизга қараши, борингки кўнглингизга қарамасин майли, ҳеч қурса юрагингизни музлатадиган гапларни ўйлаб гапириши керак экан.

Икковимиз ҳам олий маълумотлимиз, зиёли оилада тарбия кўрганмиз. 2 та фарзандимиз бор. Кейинги пайтда ичиб келса, болаларни олиб қўшиларникига чиқиб кетадиган бўлдим. Баъзида ўйланиб ўтириб, наҳотки шу билан энди умримни ўтказиб юборсам, ахир ҳаёт инсонга бир марта берилади-ку, дейман.

Ажрашиб кетишга эса иродам етишмайди. Аслида турмуш қурмасдан олдин қаттиқ туриб олишим керак эди. Шу иродасизлигим учун Оллоҳ мени жазолаяпти, шекилли. Биз «тақдир шундай экан», «тақдири азал», — деб кўп гапирамиз. Лекин шу тақдирни ўзимиз яратмаймизми, ўзимиз қилар ишни қилиб қўйиб, яна тақдирга тўнкамаймизми? Хатимни сўнггида турмуш қуриш бўсағасида турган қизларжонга мурожаат қилиб айтаманки: «Жоним, қизларжон, кўзингизни каттароқ очинг, онангизнинг сандиқларида, бўлғуси қайнонангизнинг тугунларида Сизга аталган сепларнинг ёғдусидан, бир кунда ўтиб кетадиган тўйнинг, никоҳ кечасининг шодон шовқин-суронидан кўзингиз қамашмасин. Бир умр бирга яшашингиз лозим бўлган йигитни кўрдингизми, гаплашдингизми, кўзингиз етяяптими яшаб кетишингизга. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Турмушга чиқиш қочиб кетмайди. Ҳеч қайсингизни бошингизга менинг куним тушмасин, илоҳим.

Мен каби ҳеч қайси аёл аро йўлда ўртанмасин.

Орзигул,
Андижон вилояти

БУНДАЙ ВОҚЕА МЕНИНГ ҲАМ БОШИМДАН ЎТГАН

«ЎЗГАНИНГ НАРСАСИ» — 2-сон

Дилкашбек, балки акамдирсиз, балки тенгдошдирмиз, сиз тахтани уйга олиб келганингизда дадангиз: — «Вой ўғлим, яхши қилибсизлар олиб келиб» десалар, эртасига бирор жойга борганингизда нимадир кўзингизга чиройли кўриниб кетса, «уни сурасам бермайди» деб бесўроқ олишингиз мумкин эди. Дадангиз сиз ва укангизни қаттиқ қойиб дилингизни оғритганлари учун ҳам ҳаётда бугун ўз ўрнингизни топгансиз.

Мен ҳам ўзимни бошимдан ўтган воқеани гапириб бersам. Ҳозир 19 ёшдаман. Лекин ўша қилган ишимни дадам ёки аям эслаб гапирсалар ич-ичимдан муз чиқиб кетади. Мен ҳам 13 ёшда эдим. Мактабда ўзимдан уч синф пастда ўқийдиган ўқувчиларга етакчи бўлдим. Наврўз байрами яқинлашаётган эди. Мен болалардан дастурхон безагани 100 сўмдан пул йиғдим. Ўша пайтлар қайси синф дастурхонни чиройли безаса шуларга 1, 2, 3-ўринлар берилар эди. Мен ўқувчилардан йиғилган пулга торт, гул, мева ва бошқа егуликлар олмоқчи эдим. Йиғилган жами пул 1800 сўм бўлди. Бир минг икки юз сўмига мўлжалланган ҳамма нарсани олдик. Қолган 600 сўмни эса ўзимни дугоналарим билан баҳам кўрдим. Хуллас, байрам ўтди. 1-ўринни 5 синф ўқувчилари олди. Ўзим ҳам анча хурсанд бўлдим. Мен етакчи бўлган синфда ўқийдиган қизнинг синглиси бошқа синфда ўқир эди. Шу қиз ўқитувчисига «биз ҳам пул йиққанимизда 1-ўринни олар эдик», — дебди. Ўқитувчиси эса «ҳа, ким пул йиғибди», деса ҳалиги ўқувчи қиз, — «менинг опамни етакчиси 100 сўмдан пул йиғиб нарсалар олишди. Шунинг учун улар биринчи ўринни олишди-да», — дебди. Ўқитувчи: «Вожатийси ким опалаингни?» — деб сўраса, «Анора опа», — деб мени айтибди. Бу гапни эшитган ўша ўқитувчи мактабдаги ҳамма ўқитувчиларимизга айтибди. Ўқитувчилар мени ўртага олишиб, «Болалардан неча сўм пул йиғдинг?», — деб сўрашди. Мен йиғилган пулнинг 1200 сўмини шу 5-синфда ўқийдиган қизнинг онасига берган эдим. Аёл ҳамма нарсани олиб берувди. «Бу пулга сизларга ким шунча нарсаларни олиб келиб берди», — деб сўрашди ўқитувчилар. Мен фалончи қизнинг онаси дедим. Ўшанда мен қизнинг онасини чақиришмайди, деб ўйлаган эдим. Кейин қарасам шу аёлни ҳам чақиртиришди. У аёлга: — «Сиз дастурхон безагани пул олиб, нарсалар олиб келиб берибсиз, тўғрими? — дейишса, у: — «Ҳа, 1200 сўм пул беришган эди, олиб келиб бердим», — деди. «Ие, қолган 600 сўми қани?», — деб сўрашганида мен лол бўлиб қолдим. Бу орада дадажонимни ҳам чақиртиришди. Дадажоним келиши билан ўқитувчилар: «Қизингиз пул йиғибди» деб, ишқилиб, ҳамма гапни роса гапиришган. «600 сўмни бўлса ўзи йўқ қилиб юборибди», — дейишди. Дадажоним мени урмадику-я ургандан баттар қилиб роса қойиди. Уйга келганимиздан кейин аяжоним ҳам, опаларим ҳам, акам ҳам, хуллас, барчаси менга икки ҳафта гапиришмай қўйишди. Ҳеч ким сен билан гаплашмай қўйса ургандан ҳам ёмон бўлганини ўшанда билган эдим. Шундан сўнг мактабда 8-синфгача зўрга ўқидим. Мактабдан кетиб, ўзим қизиқиб шим тикишни ўргандим. Худога минг қатла шукроналар бўлсинки, дадажоним — онам шунда мени «нимага ўзгаларнинг пулини оласан, шу пулга нарсалар олиб егандурсан, бунинг ўрнига заҳар есанг ўласанми, агар яна биронтасининг қилча нарсасини олсанг, яъни уйимизга ўзганинг нарсасини олиб келсанг сендақа қизимиз йўқ. Биз учун ўлган деб қўямиз», — деб қойиганлари менга қаттиқ таъсир қилди. Ҳозирги кунда туфли-этиклари тикаман, ҳатто шогирдлар чиқардим. Шим-костюм, куртка тикаман. Бу касб бўйича ҳам 2 та шогирд чиқардим. Ҳозир менинг шогирдларим мендан ҳам яхши тикадиган бўлиб кетишган. Мана, ниҳоят Андижон шаҳридан Сирдарёга кўчиб келганимизга 6 ой бўлган бўлса-да, бу ерда ҳам 2 та шогирд олдим. Дадажоним ва онажоним опаларимни турмушга чиқаришган. Мен уларнинг энг кенжатойи бўлиб, уйда ўзим қолганман. Уйимизнинг бир ҳонасини цех қилиб олганман. Ота-онамга Оллоҳдан узоқ умр, ҳалол ризқ, битмас-туганмас бахт тилайман. Бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ бўлишсин, дейман. Фақатгина менинг ота-онам эмас, балки барча ота-оналарга ҳам худди шу тилагимни йўллайман.

Дилкашбек, менинг ҳам бошимдан ўтган воқеалар сизникига ўхшабдими? Менга таассуротларингизни ёзиб юборинг. Мен билан дўстлашмоқчи бўлган йигит-қизлар бўлишса, хат ёзиб юборишларини кутиб қоламан.

Манзилимиз: Сирдарё вилояти, Оқ-олтин тумани, С. Сиддиқов номли 18-хўжалик, А. Қодирий кўчаси, 7-уй. Анорахонга деб ёзингиз.

ЎЙЛАБ ҚАДАМ БОСИНГ...

«Боши берк кўчада турибман»...

Бахт ўзи гоҳ қаттиқ, гоҳо мулойим,
Гоҳ ёнда туради, гоҳо олисда.
Ҳар кимни бахтини берсин Худойим,
Баҳорда бўлмаса умр кузида.

Ҳурматли синглим Н, сизга маслаҳатим: Ёшингиз энди 16 да экан, ҳаёт ҳали олдинда, ўйлаб кўринг. Сиз унга турмушга чиқсангиз ҳам бахтли бўлолмайсиз. Нега дейсизми? Мени сўзимга аччиғингиз келмасин, илтимос, бошидан ўтказган табиб, дейдилар. Ўзгага насиб қилмаган бахт сизга ҳам насиб қилмайди. Сиз унга турмушга чиқмоқчи бўлганингизни у хотини билса аёллик ғурури поймол бўлади, унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Сиз нима қилардингиз? Энди 16 баҳорни кўрибсиз, ҳали турмушга чиқасиз, бахтли бўласиз. Яхшиси у йигитни унутинг. Ўзга йигитни севарсиз. Эсингизни йиғиб олинг, синглим. Онангиз ҳақ. Албатта сизнинг бахтингиз унинг бахтидир. У йигитга турмушга чиқсангиз, онангиз қандай бош кўтариб юради? Синглим сиз онангизни, у йигитнинг хотинини, иккита қора кўз норасида фарзандини кўз олдингизга келтириб кейин бир қарорга келинг, Албатта севги ҳақдир, лекин сизнинг кўнглингиздаги севги севги эмас, ўткинчи бир ҳавасдир. Сиз буни кейин биласиз. Шунинг учун ўйлаб қадам босинг синглим. Сизга маслаҳат берувчи опангиз:

Фотимахон ОХУНОВА,
Андижон шаҳри
Избоскан тумани,
Тўрткўл қишлоғи, 10-ўрта мактаб етакчиси

СИЗ ҲАМ АДАШИБ, ҲАМ АЛДАНИБСИЗ

«ЧУҚУРДАН ҚАНДАЙ ҚИЛСАМ ЧИҚАМАН?» — 4-сон

Гулнорахон, сиз ҳаётда ҳам адашиб, ҳам алданибсиз. Зокир сизни севмаган ва ҳеч қачон севмайди ҳам. Зокирнинг ўраги юрак эмас, балки бир парча тошдир. Юрак бўлганда сизга нисбатан бунчалик тошбағирлик қилмас эди. Зокирда инсоний фазилатлардан заррача йўқдир. Агар бўлганда ҳаётингизни кўриб, била туриб бундай қилмасди. Сиз ўзингиз бир маротаба ҳаётнинг аччиқ қисматига учраган экансиз. Шуларни Зокир била туриб, яна сизга адолатсизлик қилибди. Энди сиз Зокир билан келажакда бахтли бўла олмайсиз. Вақт борида Зокирга бафуржа тушунтириб, у билан орани очиқ қилганингиз маъқул. Агар Зокир тушунишни хоҳламаса унда ҳуқуқ органларига мурожаат этсангиз тушунтириб қўйишади. Никоҳ муқаддас нарса. Лекин бунақа никоҳнинг боридан йўғи яхши. Насиб бўлса келажакда сизни тушунадиган, севиб ардоқлайдиган инсонни учратарсиз, деган умиддаман.

АМИН,
Коғон

ЁРУҒ КУНЛАР ОЛДИНДА

«МЕНДАЙ ҚИЗНИ КИМ КЕЛИН ҚИЛАДИ?» — 3-сон

Синглим, сиз ёшлигингиздан кўп қийинчилик кўрибсиз. Ота-онангиз яхши инсонлар эмас эканлар. Қолаверса, бобонгиз, бувингиз ва холангиз ҳам (синглим, сиз менинг бу гапимдан ҳеч хафа бўлманг) ота-онангиздан қолишмаскан. Сиз онангизга чақалоқлигингизда керак бўлмаган экансиз. Демак бундан кейин ҳам онангиз билан бахтли ҳаёт кечирмайсиз. Қолаверса, сизни шундай хору зор қилганларнинг энг катта сабабчиси ота-онангиздир. Сизни ўн тўрт йил тирик етим эканлигингизни билдирмай (тўғри, баъзан ичволиб сизга нисбатан ҳақоратли гаплар айтсалар ҳам) ўстирган бувингизга яхши муносабатда бўлинг, у кишига озор берманг.

Синглим, сиз бахтли бўлай десангиз, ўқимишли ва ҳунарли бўлинг. Қайси хонадон ҳунарли, ўқимишли ва одобли қизни келин қилмайди, дейсиз. Синглим, Оллоҳ бу дунёда ҳаммани жуфт-жуфти билан яратган. Ҳеч сиқилманг, айтишади-ку: «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ»...

Дилфуза АБЗАЛОВА,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
133-мактаб ўқувчиси

ЭРИМНИ СИРА КЕЧИРОЛМАЙМАН

«ҚАДРИНГНИ БИЛМАДИМ, ЭЙ БИРИНЧИ ЁР» — 5-сон

Бу мақола мени ўйга толдириб қўйди. Мен ҳам кўп шубҳалар қурбони бўлганман. Ҳар куни уйда жанжал бўларди. Ўзимни қандай оқлашни билмасдим, ожиз эдим. Турмуш ўртоғимга ҳали ҳам тушунолмайман. Меҳмонга олиб борадилар-да ичгандан кейин, гумону шубҳалар бошланади. Энди билдим — ҳеч қаерга у киши билан бормайман.

Мени нима қийнайди? Биласизми, маиший бузуқ аёллар ҳамма жойда учраса керак. Оилани бузаётган, орага совуқлик тушираётган бирдан бир айбдорлар «ўша аёллар» деб ўйлайман. Ўша аёллар домига тушиб қолган бебурд, қаноатсиз эркаклар ҳам айбдор албатта.

Жамиятимизни шунақалардан тозаласак, оилаларимиз тинчроқ бўлармиди?

Менинг оиламга биринчи тушган совуқлик, эрим беш кеча-ю беш кундуз уйга келмадилар. Мен тўртинчи фарзандимни туққан, чиллали пайтларим эди. Ишда эдим, деб мени алдадилар. Уйимиз узоқ эмасди, иш жойидан, ҳеч бўлмаса икки марта хабар олсалар бўларди-ку.

Кейин билсам, умуман йўлдан чиққан эканлар. Кечиролмайман, ҳеч қачон!!! Бошимдан кўп воқеалар ўтган. Бошингга мусибат тушганда, дўст керак бўларкан. Дўстим ҳам йўқлигини ўшанда ҳис этганман.

Ф..,
Қашқадарё

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

«УНДАН БУ ГАПНИ КУТМАГАНДИМ» — 6-сон

Аввалambор синглим, сизга маслаҳатим шуки, бу воқеадаги энг катта гуноҳкор ўзингиз. Нега дейсизми, унда эшитинг, эскиларимиздан қолган бир мақол бор:

«Агар ғунажин кўзини сузмаса,
Буқа ипини узмайди».

Тўғри, бу билан мен фақат сизни айблай олмайман. Бу ишда Азиз акангизнинг ҳам катта айби бор. Наҳотки ўз укасига олиб берилаётган умр йўлдоши борасида шунақа номаъқул хаёлда бўлса. Азиз, сиздек акаларга нафақатгина лаънат дейишдан бошқа илож йўқ. Сизга эса синглим маслаҳатим шуки, агар Азизнинг йўлидан юрсангиз Сиз нафақат Азизнинг укасининг, балки ўз дугонангизнинг ҳам ҳаётини бузган бўласиз. Икки ўртада Азизнинг ҳамда шу билан бирга ўз ҳаётингизни бузиб қўйишингиз мумкин ва бир умр пушаймонда ўтасиз.

«Кейинги пушаймон ўзингга душман», дейдилар синглим. Қадамингизни чуқурроқ ўйлаб туриб босинг. Менинг сизга маслаҳатим шу.

Хуршидбек СОЛИЕВ,
Андижон вилояти, Ойим қишлоғи

АЁЛ СУЯҒИ ТЕМИРДАНМИ?

1-сондаги «Ўқиган қизни қидиряпмиз» (Шоҳида Акбарова) мақоласи вақтида ёзилган. Тўғри, 20 йилдан ошдики оилада, мактабда, дала ишларида ва бошқа юмушларда ҳам қизлар йигитларга нисбатан фаолроқ. Шу сабаб улар турли ўқишларга ҳам осонгина киришяпти, диплом олишяпти. Лекин оила устуни, уни тебратувчи бўладиган баъзи йигитлар эса одобда, ўқишда, ишда, ҳунарда ортда қолишяпти. Оқибатда мактабни битиргач беиш дайдиб юришади. Бунинг устига ўқимаган ўглига ўқиган келин ахтаради. Чунки уларнинг ойлиги тайин-да, оилани эплаб кетади. Мусулмончиликда эр оилани боқиши керак. Минг афсуски, ҳозирги оилани кўпроқ аёл бошқаряпти, уйда эр қолиб, хотин кўчага чиқиб пул топишга ўзини уряпти. Бола боқиш, кир ювиш, нон ёпиш, овқат тайёрлаш, ҳайвонга қараш етмай, оилани боқиш ташвиши ҳам аёлларга юкланяпти. Ахир уларнинг суяги темирданми? Қўшнимнинг ўғли ҳам ўқимаган, беиш, лекин олий маълумотли келин олди.

Эй йигитлар! Қачонгача ориятингиз, ҳамиятингиз келмай яшайсиз?

Х. НУРМУҲАММАД

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Меҳрибон дадажонимиз Азимжон ва азиз онажонимиз Саломатхон!

Сизларни таваллуд кунларингиз билан муборакбод этамиз. Сизларга Аллохдан боқий умр ва мустаҳкам соғлиқ сўраймиз. Доимо оиламизнинг ёрқин юлдузи бўлиб юринглар.

Ўғилларингиз: Ўктамжон, Рустамбек, Илҳомжон, Ғайратжон ва Шароффбек.

Қизларингиз ва келинларингиз, набираларингиз — Мадинахон, Достонбек, Улуғбек

Меҳрибон онажон!

Таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз! Адам билан сиз бахтимизга доим соғ бўлинглар.

Оила аъзоларингиз номидан — Моҳира

Ҳамкасбимиз Турсунов Ҳамидулла Эшонқуловичга!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз! 29 йиллик меҳнат фаолиятингиз бундан кейин ҳам давом этаверсин. Ойлангиз тинч ва осойишта бўлиб, фарзандларингизнинг роҳатини кўриб юраверинг.

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Акциядорлик жамияти жамоаси

Ҳурматли онажонимиз Хосиятхон!

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Ҳар доим баҳордек ёшариб юраверинг.

Фарзандларингиз

Миробод тумани ҳокимлигида рўйхатга олинган ПКФ «Мовий осмон» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ:

Даъволар бир ой давомида қабул қилинади:
Тел.: 24-23-95

* * *

Юнусобод даҳасидаги ҳамма қулайликларга эга бўлган 9 хоналик, 5 сотих ҳовли жой сотилади.
Тел.: 34-11-41

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:

2. ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Зардўзлик — Бухороча.
2. Аёллар ва эркаклар устки кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
3. Аёллар енгил кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
4. Машинада, қўлда гул тикиш.
5. Компьютер билимлари.
6. Бухгалтерия ҳисоби.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
2. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

Манзил: Муртазоев кўчаси, 40 уй, 3 қават, 63 хона.
Мўлжал: «Қозоғистон» кинотеатри.
35-13-41, 58-48-50

Ажойиб-ғаройиб

БУ ҲАМ МАРДЛИК

Таниқли кишиларимиздан бири (кимлигини айтмай қўя қолай) беш-олти йил аввал, айни қовун-тарвуз пишган август ойида, автобус бекатида турганида, кучли аксириб юборибди. Натижада у кишининг ёнида турган бир йўловчи, чўчиб тушганидан, қўлидаги каттакон тарвуз ерга тушиб ёрилибди.

Бир томонда акса уриб юборган киши хижолат бўлса, иккинчи томонда тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган йўловчи ғалати аҳволда қолибди. Бу воқеага гувоҳ бўлган йўловчилар ҳам лол қолишган бир пайтда, акса уриб юборган киши, киссасидан пул чиқариб: — Ошна, тарвуз ҳақини олинг, мени айбим билан шундай бўлди, — деса, тарвузи ёрилган киши пулни олмай: — Доим бозор-ўчар қилгани борганимда, бир қулоғимга пахта тиқиб олар эдим, бу сафар ўша ишни қилиш ёдимдан кутарилган экан, айб ўзимда, — деб мардлик қилган экан.

С. АҲМЕДОВ

Азиз ва суюкли рафиқам Мағфуҳахон!

Таваллудингиз, 34 баҳорингиз муборак бўлсин! Оллохдан Сизга узоқ умр, фарзандларимиз бахтига доимо соғ бўлишингизни сўраймиз!

Умр йўлдошингиз Носиржон, фарзандларингиз Музаффаржон, Наргизахон, Нодиржон

Азиз ШУКУР ака ХОЛМИРЗАЕВ!

Сизни — элимизнинг энг ардоқли ва довруқли ёзувчисини туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Бойсун арчазорларининг ажиб ифорлари, тиниқ булоқларининг оҳанглари ва мард, танти, меҳрли юртдошларимизнинг ҳаёти, бой руҳий олами ўз аксини топган асарларингиз халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Улар инсонни яшашга, шу дунё гўзалликлари қадрига етишга, бунёдкорликларга ундайди.

Сизга узоқ умр, соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз ва келгусида янада бадиий юксак асарлар кутиб қоламиз.

«Оила ва жамият» ижодий жамоаси, барча муштарийлари

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЎГИТНОМАСИ

ТЎРТЛИКЛАР

Оила асоси — устуни аёл,
Уларга ҳеч қачон гапирма қўпол.
Қилмишига асло чидай олмасанг
Уларни ҳайдама, сен ўзинг йўқол.

* * *

Оилани бўлар кузу баҳори,
Ўзига яраша сиру асрори.
Муҳтожлик борлиги девордан ошса
Қўшилар ўткинчи чангин ғубори.

* * *

Сени кимлигингни биламан, ахир
Мен сукут сақлайин, майли, сен гапир.
Муҳаммад Пайғамбар бежиз айтмаган
Мардлар аччиғланса қилади сабр.

* * *

Сен билан меники — Ер, Қуёш, Ҳаво
Уларга ҳеч қачон бўлма бепарво.
Сув бўлмаса балиқ холини кўргин,
Хок бўлармиз бир дам, бўлмаса ҳаво.

Зокиржон Қосимов, Андижон вилояти, Андижон тумани, Бўтақарға қишлоғи

БЎЛДИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Бағдод туманида ажиб, хушманзара Ултарма қишлоғи бор. Бу ернинг ҳам одамлари водийликларга хос соддадил, аскияга ўч, шоиртабиат. Ана шуларни эътиборга олиб «Ултарма ҳангомалари»ни ҳукмингизга ҳавола этишни ният қилдим.

Саъдулла ҳам бўлсин!

Бир неча йил муқаддам маҳалламиздаги Абдулла ака ўғлини уйлантирди. Ўшанда «Ялла» гуруҳи ижросидаги «Куёвтўра Абдулла» деб аталувчи ашула роса урф бўлган эди. Ҳар иккита, учта қўшиқдан кейин «Абдулла» янграйверди. Саъдулла ака бўлса тоқати тоқ бўлганидан, бир даста пулни қистириб, ҳофизнинг қулоғига, — «Ука, ҳа, деб акамни мақтаб қўшиқ айтаберасизми? Бирор марта Саъдулла ҳам бўлсин-да!» — деярмиш.

ҲАСРАТ

Ҳамқишлоғимиз Ҳошим ака савдо-сотиқ ишлари билан Россияга тез-тез қатнаб турар, у ёқдан уйига меҳмонлар ҳам ташриф буюриб турарди. Бир куни уни ёнида меҳмони билан гузарда кўриб қолиб сўрадим: «Меҳмон зерикиб қолмаяптими? Иванни бир айлантириб кетайин дебсиз-да?» Меҳмондорчилик узоққа чўзилиб кетган шекилли, пешонасини тириштириб Ҳошим ака деди:

Э, меҳмон қилсам Иванни
Ҳеч бўшатмас диванни!
Ўзим азоб тортаяпман,
Чунки ерда ётолмаяпман.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ, Фарғона вилояти, Бағдод тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Азиз газетхонлар! Маҳаллангизда, қишлоғингизда юқоридагиларга ўхшаш ёддан чиқмас ажаб ҳангомалар албатта учраб туради. Борини бизга ёзиб юборинг. Кутамиз.***

БУГУН ҲОВЛИМДА ТЎЙ...

Бугун ҳовлимда тўй, қалбимда мотам,
Тонгдан то шомгача кутдим-ку сизни.
Мана, эшигимда куёв жўралар
Мен эса интиқиб кутаман сизни.

Қўлимда даста гул бўлиб маҳлиё,
Куёв илиқ сўзни кутарди гўё.
Наҳот, қаршимдаги суюклим эмас,
Наҳот, айтганимиз бўлмади рўё.

Чир айланиб ўйнар раққоса оқшом,
Қўша-қўша табрик, сочилди пул ҳам,
Армон кўзларимга ёш илиб кетган,
Кўшилиб йиғлади онажоним ҳам.

Келин салом бўлди, айтилди ёр-ёр,
Юлдузлар базмини томоша қилди.
Барини биларди-ку тўлин ой,
У ҳам кўриб-билиб жимгина турди.

Чимилдиқнинг ипи янга қўлида
Ёшли кўзларимни қўш шамга тутдим.
Кулоғимга секин шивирлади у:
— Уялма, бу кунни орзиқиб кутдим.

Сочларимга илон чирмашиб олди,
Юзимда билинмас зарра ҳаяжон.
Вужудимни тарк этиб кетди-ю руҳим
Бир умр мажруху бўлдим, ҳиссиз жон.

Сиз МЕНсиз қийналиб кетган дамларда,
МЕН ҳам СИЗсиз роса қийналиб кетдим.

Наргиза ҚЎЛДОШЕВА, Бухоро вилояти, Шофиркон тумани

ҲАР БИР ОИЛА ЭЪТИБОРИМИЗДА...

ҚЎҚОН ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ РАИСИ ДИЛШОД АБДУЛЛАЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Дилшоджон, сиз ёш бўлсангиз ҳам обрўли марказнинг раҳбарисиз. Бундан ташқари Президент девони ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг битирувчисисиз. Сизнингча раҳбарлик касбми ёки мансабми? Шу ҳакда қандай фикрдасиз?

— Очиғини айтсам, раҳбарлик касб ҳам эмас, лавозим ҳам эмас. У ўша бир корхона ёки ташкилотнинг йўналиши бўйича маълум бир билимга эга бўлган кишининг шу ишни бошқариб, одамларни иш билан таъминлаши, ана шундай йўл билан юртимиз иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўша олган кишидир.

— Инсонни танқид тарбиялайди дейишади-да. Сизнинг танқидга муносабатингиз...

— Энди тан олиш керакки, иш бор жойда танқид бўлмай иложи йўқ. Шулардан хулоса чиқариб камчилик ва хатоларимизни тузатиб бораверамиз-да...

— Иш фаолиятингиздан мамнунмисиз?

— Шу кунларда бирлашмамиз қошидаги «Маънавият ва маърифат» марказимиз фаолиятини тубдан ўзгартиряпмиз. Юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси ва «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирлари саволларига берган жавобларини ўрганиб чиқдик. Жамоамиздаги ҳар бир ойланинг давлат, жамият олдидаги ҳуқуқлари ва фарзандларига нисбатан бурчи, ахлоқ-одоби ҳақида тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Ишчи-хизматчиларимизнинг 700 дан зиёд фарзандлари ўзимизнинг болалар боғчамизда тарбияланмоқдалар. Мактабларда ўқиётган бошлангич синф ўқувчиларига бир маҳал бепул иссиқ овқат, юқори синф ўқувчиларига эса энг кам иш ҳақининг икки фоизи миқдорида нафақа пули берилади.

Бирлашмамиз иқтисодий имконига қараб шаҳримиздаги 17-меҳрибонлик уйининг болаларига суннат тўйи ўтказишни, ўн нафар ногиронларга, уй-жойга эҳтиёжи бўлган ойлаларга ёрдам беришни зиммасига олган. Шоҳимардон фожеасидан азият чеккан, яшаш жойлари шикастланган ойлаларга уй-жойларини тиклаб олишлари учун иқтисодий ёрдам бердик.

— Барчага шодлик, кувонч бахт этгувчи баҳор фаслида азиз ҳамкасбларингизга қандай тилакларингиз бор?

— Юртимизнинг осмони доимо беғубор бўлишини, юртдошларимизнинг доимо тинч, бахтли яшашларини истардим. Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин, иқтисодий юксалсин. Саодатли кунлар хонадонларимизни тарк этмасин.

М. СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашди

ЎҒЛИ БОРНИНГ ЎРНИ БЎЛСИН...

Турмуш сабоқлари

Мен хизмат қиладиган идорада бир келинчак ишларди. Унинг исми... шартли равишда Саодат дея қолай. У жуда сўзамол, ҳар қандай одамнинг қалбига тезда йўл топиб кетадиган аёллар тоифасидан эди. Яхши кийинар, тилла буюмларни аямай тақар эди. Тушликка уйидан тансиқ таомлар олиб келарди.

— Олинглар, пармуда сомсани ойим бериб юборибдилар. Манави патир сутга қорилган, уни ўзимга атайлаб ёптириб юборишган, — деб қўярди. Шундан билардикки, келинчак бой-бадавлат хонадондан.

— Келинчак бўлиб тушган уйингизда кимлар бор? — сўрардик Саодатдан.

— Битта қайнонам билан турамиз. Катта ҳовли. Қайнотам эрим ёшлигида вафот этган эканлар.

— Битта ўғилмилар?

— Укаларим бор. Домда туришади.

— Катта ҳовлида фақат сизлар турасизларми?

Шундай савол берилганда келинчакнинг қовоғи солинарди:

— Қайнонамга қолса, қайнимни ҳам чиқазмасдилар. Икки ўғлимга етади, — дейдилар. Ҳайрият, бир амаллаб қайнимни икки ўғилчаси билан домга чиқардик. Овсиним ҳаракатчан. Уч-тўрт йилда ҳовли олишса, домни қайтариб оламиз.

— Нима, у уй сизларникими?

— Меники. Дадамла ҳар биримизга дом олиб берганлар.

— Қайнингиз индамай сизнинг уйингизга чиқиб кетавердими?

— На илож... Хўжайинимнинг ошна-оғайнилари кўп. Ҳовлимиз ҳамиша келди-кетди. Шунинг учун бегона одамларнинг туриши бизга маъқул келмади.

Саодатнинг бу сўзларидан сўнг ўртага сукунат чўкди. Саодатнинг икки қизчаси бор эди. Эри катта савдо ташкилотида ишларди. Қайнонаси кўп йиллардан буён ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс берган экан. Икки ўғил, бир қизини олий маълумотли қилибди. Йиққан-терганини тўплаб, қиз узатиб, келин олибди.

— Қайнонамнинг касаллари оғир, — дерди кўпинча келинчак, — сахарлари бор. Озгина хафа бўлсалар ортиб кетади. «Учёт»да турадилар.

— Даволатмайсизларми?

— Қайним, «докторга қаратайлик» деса, кўнмайдилар. Дори-дармонлар қиммат, — дейдилар.

— Сизнинг эрингиз яхши топади-ку... ёрдам берсалар бўлмайдими?

— Катта топганнинг катта ташвишлари бор. Айтяпман-ку, уйимиз ҳамиша меҳмон билан тўла деб. Уларни сийлашнинг ўзи бўлмайди.

Онаизор... уч етимнинг бошини силаб, отга тепдирмаган, итга қоптирмаган аёл... катта ўғлингни отам деб, кичигини укам деб оқ ювиб, оқ

тараган эдинг-а... ана энди, тўнғич боланг жарақ-жарақ пул топганида бир сўмига ҳаддинг сиғмаса-я?!

Бир куни Саодат ишга келмади. Эртасига ҳам кўринмади. Орадан 3—4 кун ўтган эди, кўчада учратиб қолдим. Чап кўзининг қовоғи кўкарган эди.

— Тинчликми?

— Ҳаммасига қайнонам сабабчи. Кичкина ўғиллари билан келинларини уйимизда туришини хоҳлаяптилар. Қариндошлар келган эди, улар ҳам шуни маъқуллашибди. Хўжайинимга йўқ дегандим, жаҳллари чиқиб кўзимни кўкартирди. Шунга... врачга кетаяпман. Ҳали кўради ярамас. Ургани ҳақида врачдан справка олиб, қаматиб юбораман.

— Икки қизчангизнинг отасини-я?

— Нима бўпти! Ўзиям отасиз ўсди, ўлгани йўқ. Болаларим шундай ўсаверади.

Ўша куни тушликда у ҳақида гап кетганди, учратганимни айтмадим.

Келгуси хафта Саодат ўйнаб-кулиб ишга келди. Кайфияти чоғ. Устида янги либослар. Янги туфли.

— Ҳа, кайфиятингиз чоғ? — деб қолди аёллардан бири унинг энгил-бошига қараб.

— Хўжайиним олиб бердилар! Матосини кўринг, жуда қимматидан. — Мен Саодатнинг гул-гул очилиб гапираётганидан суюндим. Икки фарзанди бор, оиласи бузилмасдан тинч-тотув яшашга нима етсин...

Кўкарган кўзлари ҳам тузалган. Шу пайтда энг яхши малҳам вақт эканлигига ишондим. Бироздан кейин Саодат ёнимга келди:

— Қаранг опа, ҳамма иш изига тушди. Қайним кўчиб келмайдиган бўлди.

— Қайнонангиз индамадиларми?

— Э-э-э... — Саодат бурнини жийирди, — бир гапирди кўйдилар-да... қариндошлар келса шунақа қиладилар. Ҳаммаси уй-уйига кетди. Яна ўзимиз қолдик.

— Тўғрику-я, айтгандиз-ку хўжайиним ҳам укаси келишини хоҳлади деб.

— У гаплар хужа курсинга экан. Қайтага итмушук бўлганимиз қолди. Онамникида аразлаб ўтиргандим, ҳар куни олдимга бордилар. Ялиниб-ёлбордилар. «Укам уйга кўчиб келмайди», — дедилар...

Саодат эри ҳақида гапирар экан, негадир юрагим сиқила бошлади. Шу пайт унинг шивирлаган товуши эшитилди:

— Костюмим сизга ёқдими, опа?

«Ҳа» деб улгурмасимдан яна бир «хушхабар»дан огоҳ этди:

— Тунов куни куёвингиз билан бозорга тушдик. Кийимлардан ташқари кўлимга 100 доллар бердилар... Кўнглим тусаган нарсани еб юрар эмишман... «Пул берганимни онам билмасин», — дедилар яна. Мени урганларидан роса пушаймон. «Онамнинг гапларини кўнглингга олаверма. Сахарлари бор. Бир куни пақ этиб ўлиб қолсалар қутиласан», — дедилар.

Саодат гапирар экан, онасини хўрлатиб кўйган ўғил кўз олдимда гавдаланди. Чет эл машинасида керилиб ўтирган манқурт... нобакор гавдаланди. Юрагим сиқилиб идорадан чиқиб кетдим.

Орадан кунлар ўтди. Тушлик пайти эди. Дастурхон тўла ноз-неъмат. Сабабини сўрасам, Саодатнинг туғилган куни экан.

— Заб келиб қолибсиз-да, опа, қани, дугонамизни бир дуо қилинг...

— Нима учун мен?

— Паҳлавондай уч ўғлингиз бор. Худойим унгаям яхши ўғиллар ато қилсин.

Беихтиёр кўлим фотиҳага очилди. Бироқ... бироқ дуога тил айланмади. Дори-дармон олиш учун ўзи туққан боласидан бир тийин суролмаётган онаизорнинг мунгли кўзлари хаёлимда жонланди.

— Саодатга ўғил керак эмас! Шунинг учун унга бошқа нарса тиланглар!

Бўғзимдан йиғи аралаш чиққан сўзлар даврадагиларни сергаклантирди.

— Нимага ундай деяпсиз? Икки қизчам бор. Бир ўғлим бўлса деб ният қиламан...

— Агар... агар Худо эрингизга ўхшаб онасининг ўлимини кутадиган ўғил ато қилса керак эмас. Шундай эмасми, Саодат?!

Ўзининг гапи ўзига қайтганини сезган келин қизарди, бўзарди, лекин бир оғиз ҳам гапирмади. Мен эса Саодатни дуо қилмаганим учун хижолат ҳам чекмадим. Ўртада нима гап ўтганини иккимиздан бўлак ҳеч ким билмади, сезмади. Мен бу воқеани сизларга ҳикоя қилиб бериб, енгил тортмоқчи бўлдим. Фикрингизни билгим келди. Сиз нима дейсиз?

Ҳафизахон ХАЙИТМЕТОВА

БИЗ НЕГА АЖРАШДИК — ТУШУНОЛМАЙМАН

Ёшим 21 да. Мактабни 9 синфигача «аъло» баҳоларда битириб, Бухородаги махсус мактабларнинг бирида (аниқроғи лицейда) ўқидим. У ерни битирганимдан сўнг омадим келмадими, ўқишга киролмадим. Ҳозирги пайтдаги ишим ҳам ёмон эмас. Яхшигина маош тўлашади...

Тўғриси, мен бир қизни жудаям севаман. Биз танишдик, севдик бир-биримизни, лекин ҳалиҳануз билмайман, нима учун биз ажрашдик. Очиғи, танишганимда бир-биримиздан сиримизни яширмасдик. Гўёки, мен учун ундан бошқа дардкашим йўқдай эди. Юрагимдаги бор сирларимни ундан яширмасдим. У ҳозир бошқа йигитни севади, у билан сирлашади. Нима қилай — мен ҳам уни яхши кўрсам?..

Балки чиндан ҳам айб мендан ўтгандир?! Балки кийинишим, балки юриш-туришим ёқмагандир?! Тўғри, у билан ажрашганимиздан сўнг бошқа қизларга севги изҳор қилиб ҳам кўрдим. Барибир унга ҳеч ким тенг келолмайди. Бир неча бор хат ҳам ёзиб юбордим. Ҳатто узоқда бўлганида ҳам биринчи хатимни унга ёздим. Ҳали-ҳануз жавоб келгани йўқ. Лекин нима учун?! Балки хат унга етиб бормагандир?! Бу ёғи менга қоронғу. Ўша қиз билан юрганимизда менинг ҳамма ишларим юришарди. У билан ажрашганимиздан сўнг эса йўқ...

Ўзим журналист бўлишни жудажўда орзу қиламан. Вилоят газеталарида бир неча бор мақолаларим, шеърларим чиққан. Лекин журналист бўлиш бир умр армон бўлиб қоладими деб қўрқаман.

Балки у мендан қаттиқ ранжигандир. Балким шунинг учун ишларим юришмаётгандир. Шу дардимни бироз бўлса-да эшитар, ўқир деган мақсадда шеър ёздим:

Хаёлимдан кетмас
нигоҳинг ҳамон,
Сени эслаганда ҳар куни,
ҳар он.
Қалбимда қолди охирги
армон,
Фақат мендан рози
бўлсанг бас.

Ердаги гулим дедим,
кўкдаги моҳим,
Билмам, не эрди менинг
гуноҳим.
Покиза бахтингни берсин
худойим,
Фақат мендан рози
бўлсанг бас.

Мана, юрагимдаги бор ҳасратларимни сизларга ошкор айтдим. Чунки менга ёрдам берадиган бошқа киши йўқ. Ҳозирги умидим сизлардан. Фақат сизлар менга ёрдам бера оласиз, дея ишонаман.

Дардкаш укангиз...
Бухоро

СЕН КЕЛСАНГ БАҲОР

Ошиқлар диёри гул фасли
бўлар,
Севишганлар аҳди ёр васли
бўлар.
Кўнгиллар ҳаяжон, шодликка
тўлар,
Гулларга бурканиб сен
келсанг баҳор.

Чиройингдан ёғду олар
дилдорлар,
Нигоҳлар тафтидан ёнар
руҳсорлар.
Қўшиққа айланар соғинч,
изоҳлар,
Гулларга бурканиб сен
келсанг баҳор.

Сен билан қайтадан
яшарар олам,
Бағрингдан бошланар янги
ҳаёт ҳам.
Шўх-шўх хониш қилар
булбул субҳидам,
Гулларга бурканиб сен
келсанг баҳор.

Муҳаббатинг, мадҳинг
дилларда мангу,
Жўшқин шижоатинг
тилларда мангу.
Мурувватинг, меҳринг
элларда мангу,
Гулларга бурканиб сен
келсанг баҳор.

Ўғилой НОРМАМАТ қизи,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани

НАМУНАВИЙ

МЕН ТЎҒРИ ИШ ҚИЛЯПМАНМИ?

Дил изҳори

Ёшим 19 да. Газетанинг 1999 йил, 2-сонида босилган «Имонсиз Имонқул» мақоласини ўқиб менинг ҳам бошимга тушган синовларни эслаб ярам янгиланди. Мен, 17 ёшимда кўринишидан зиёли, жуда ҳам одоб-аҳлоқда тенги йўқ, баобрў хонадонга келин бўлиб тушдим. Мен бу оилага тушганимдан кейин қайнакам оиласи билан чиқиб кетишди. Бу оилада қайнонам, қайнотам, қайним, эрим ва мен яшай бошладик. Ойлар кетидан ойлар ўтиб борарди. Орадан 11 ой ўтди, лекин фарзанд бўлмади. Шунда қайнонам — «Бир табиб топдим, сизларни олиб бораман», — деди. Борганимизда табиб: — «Айб ўғлингизда экан, агар айтган малҳамимни қўйсангиз фарзандли бўлишади», — деди.

Табибнинг муолижаси фойда бўлиб, бир ой ўтар-ўтмас ҳомиладор бўлдим. Қайнонам эса бу гапни қайнотамга: «Айб келинингизда экан, ўғлингиз соппа-соғ», — деб менга туҳмат қилди. Бу хонадонда 1981 йилда туғилган қайним уч ойлик келинлик вақтимдан бошлаб деярли ҳар куни менга хушомад қилар, ҳол-жонимга қўймасди. Аввалига бу гапга унча эътибор бермадим. Ҳазил деб ўйладим. Лекин кун сайин ошхонада юмуш қилаётган вақтимда қайни укамнинг соатлаб олдимда ўтириши, мени ўз ҳолимга қўймаслиги, оғзимдан чиққан ҳар нарсани муҳайё қилиши, ортимдан соядек эргашиб юриши, оила аъзолари мени койишганда ёнимни олиши, ётоқдаги ўрнимда ётиши ғашимга тегарди. Эримнинг эса парвойи-фалак, худди бу воқеаларни кўрмаётгандек эди. Олдинига қайни укамни ёш деб маслаҳатлар бердим. Келинойиси, акасининг хотини эканлигимни эсига солдим. «Постда» газетасида босилган шунга ўхшаш ўлим билан тугаган мақолани ўқитиб кўрдим. Лекин ҳамма ҳаракатларим зое кетди. Иш чигаллашиб борарди. У кун сайин мени қаттиқроқ севаётганини, севгисига ҳеч нарса тўғаноқ бўла олмаслигини, ҳаттоки акасининг ўлимига ҳам розилигини, агар ўлса мени олишини таъкидларди. Мен эса бу воқеани эримга қандай қилиб айтишни билмасдим. Чунки бу хонадонда келиннинг гапини ҳеч ким назарига илмасди. Тўғри, кўнгилда айтилган гапни ҳам ёмон томонга буриб юборишарди. Шундан фойдаланган қайни укам: «Агар айтсанг сени ҳамма туҳматчига чиқаради», — деди. У ҳақ эди. Шунинг учун мен ҳеч кимга айтмадим. Ҳатто ўз ота-онамга ҳам. У ҳомиладорлигимни эшитиб ҳаммадан ҳам кўпроқ хурсанд бўлди. Ой-куним етиб мен ўғил кўрдим. Бу оилада икки қиз неварадан сўнг ўғил неварага бошқача меҳр билан қарай бошлашди. Овсинимнинг эса дарди ичида. Шунда у менга туҳмат қила бошлади. Ҳаммага, ҳаттоки эримга ҳам мени ёмон кўрсатиб қуйди. Энди мен оғир аҳволда қолган эдим. Қайни укам мени ҳар куни кечқурун ҳамма уйқуга кетгач, мен ҳовлидаги ишларимни қилиб киргунимча телевизор баҳона кутадиган одат чиқарди. Ва менга зўрлик қилмоқчи бўлар эди.

Бир амаллаб бу ҳақда эримга айтдим. Лекин эрим албатта бу гапга ишонмади. Мени туҳматчига чиқарди: — «Укамнинг гапига юз фоиз кирасан», — деди. Мен нима қиларимни билмай икки ўт орасида қолдим. Шундай қилиб 1998 йил 28 ноябр куни эрталаб қор ёғаётган эди, боламни ҳам ташлаб, битта халатда ота уйимга қочиб келдим. Тушга яқин отам билан болани олгани бордик ва бир йўла мол-мулкни ҳам олиб келдик. Шундай қилиб мана 3 ойдирки ота уйимдаман. Шу муддат ичида эрим ҳаттоки бир марта бўлса-да фарзандини йўқламади.

Ҳурматли таҳририят, сизлардан илтимос, шу хатимни тўлалигича газетангизда чоп этсангиз.

Азиз муштарий, агар келинлик уйимда ҳаётимни давом эттирганимда мен бутун умр виждон азобида ўтар эдим. Қайним билан битта хонадонда туришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Эрим оиласидан, боласидан жигарларини устун қўйяпти. Мен суддан қонуний ажрашяпман. Мен тўғри иш қиляпманми? Ҳурмат билан маслаҳатингизни кутиб қолувчи қизингиз.

О.

«Кунларнинг бирида...»

САДАҚА ҚИЛИНГАН СЕВГИ

(Боши ўтган сонда)

Истараси иссиқ, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган Шуҳрат ўша ондаёқ мен учун азиз бир инсонга айланганди. Шу топда юр деса у билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетишга рози эдим. Балки буни бир кўришда севиб қолиш деб аташ мумкиндир.

Индамай қайрилиб кетаётганида унинг овози эшитилди.

— Нигора, яна бир илтимосим бор эди?

Савол назари билан қарадим.

— Мени «ака» деманг, исмимни айтиб чақираверинг! Балки ёшим сиздан кичикдир.

Ҳақиқатан ҳам Шуҳрат мендан бир ёш кичик экан. Шундан кейин биз тез-тез учрашиб туришни одат қилган бўлсак-да, лекин бирор марта севги-муҳаббат ҳақида гап очилмасди. Шуҳрат менга тамоман ўзгача меҳрми, билмадим ёки муносабатми ҳадя этар, йигитларга хос бўлган қўпол ҳаракат қилмас, лекин унинг кўзлари, мени ўзига тортувчи сўзлари борган сари меҳримни унга чамбарчас боғларди. Истироҳат боғида, кинотеатрда, ҳайвонот боғида, хиёбонларда бир неча марталаб сайр қилардик. Тошкентда биз кирмаган ресторан, кафе қолмади ҳисоб. Ярим йилча юриб Шуҳратнинг кимлигини, қаердан эканлигини сўрамабман. Охирги имтиҳонларни топшириш арафасида эди. Тошкент денгизига бормоқчи бўлдик, аввалига уялдим, кўзларига қарай олмай рад этдим.

— Нега уяласиз, Нигора, сиз менга худди опамдексиз, — деди Шуҳрат. Унга ҳайрат билан тикилиб қолдим. Наҳот бу йигит ўзининг ёши кичкиналигини ўйлаб мени опа ўрнида кўриб келган бўлса. Йўғ-е, ундай бўлмаса керак. Ахир мен унга бор қалбимни атасаму, у эса... Балки ҳазиллашаётгандир, дея хаёлимдан ўтказдим.

Эртаси куни денгизга бориб, сувда юрадиган моторли катер олиб пляжнинг одам кўринмас жойигача ҳайдаб бордик. Шуҳрат қизиқ-қизиқ воқеалар айтиб кулдирар, ёзда қорайиб кетган юзларидан табассум аримасди. Шу дақиқада Шуҳратдан ўзи ҳақида сўраш айни пайти эканлигини сезиб секин сурадим:

— Шуҳрат, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Иккита нарса сўрасангиз ҳам майли.

— Мен ҳали сизни кимлигингизни, қаердан эканлигингизни билмайман.

Шунда Шуҳрат оғир хўрсиниб ўзи ҳақида гапириб берди:

— Нигора, мени ўтмишим сизни хурсанд қилмайди.

— Нега ундай дейсиз?

— Мени ҳеч кимим йўқ...

— Ҳеч кимим йўқ?

— Ҳа, «детдом» боласиман. Ёшлигимда, чамамда тўрт ёшлигимда бўлса керак, ота-онам мен билмаган сабаблар билан ажралишгач, мени «Болалар уйи»га ташлаб кетишган экан. Токи балоғат ёшига етиб мактабни тамомлагунимча «детдом»ни ўз уйим, деб юрдим. Ота-онам— шу уйнинг тарбиячилари деб ҳисоблардим. Бошқа болаларнинг ота-онаси келиб бағрига босганида, юз-кўзларидан ўпиб, олиб келган ширинликларидан инъом этганда беихтиёр кўзларимдан ёш думалар, нима учун менинг орқамдан ҳеч ким келмайди, деб ҳайрон бўлардим. Гоҳида боласини силаб-эркалаб ўтирган ойижонларни олдига бориб, уларга ҳайрат билан тикилардим. Чунки онанинг ўғлини эркалаб ўпиши менга ғайритабиий туюлар, нега мен қатори бу уйда юрган болани бундай йўқлайдилару, мени ҳеч ким чақирмайди, сўрамайди ҳам, деб ўйлардим. Мени тикилиб турганимни кўрган ўша ойижонларнинг жуда кўпчилиги бағрига босиб, олиб келган у-бу нарсалардан ҳадя этиб, яна олдидаги бола билан овора бўлишарди. Кейин-кейин англаб етдимки, бу дунёда она деган буюк зот бор экан, уни ўрнини ҳеч бир ҳиссиёт, ўзга бир инсон боса олмас экан. Олдиларига болаларини чақириб, меҳмон қиладиганлар ўша оналар бўлиб, мезбонлари эса жигаргўшалари бўлмиш фарзандлари экан...

Шуҳрат сувга тикилган кўйи бошидан ўтганларни сўзлар, унинг ёнбошида ўтириб кўзимдан ёшлар оқиб жон қулоғим билан тинглардим.

... Ана ўшандан кейин мен-чи, мен кимнинг дилбандиман? Кимнинг фарзандиман, деб йиғлаб «детдом» тарбиячиларидан сўраган кунларим кўп бўлган. Улар эса «отанг ҳам, онанг ҳам ҳадемай келади, болам, кутгин», — дейишдан бошқасини билишмасди. Инсон учун энг азиз ва энг оғир кўргулик бу йўқ одамингни, сени умуман билишни истамаган отангни, тамоман унутиб юрак қаърисидан сен учун аталган меҳрни юлқиб ташлаган тошмеҳр онангни кутиш экан. Менинг онам ҳам келса-я, нима дер экан, ўғлим қани деб чақирармикан ёки исмимни тутиб излармикан? Биламан, барибир бир кун эмас, бир кун мени олиб кетгани келадилар, деб ўйлардим. Ширин орзу-ниятларинг алдаса-да, сени яшашга, кутишга ундаса-да яхши экан. Кўзларим тўрт бўлиб онамни, бу дунёга келишимга сабабчи бўлган падари бузрукворимни йиллаб кутдим. Онанг бўлсаю, отанг бўлсаю уларнинг кимлигини билмасанг ёмон экан.

Шуҳрат жим қолди, фақатгина узоқлардан пляждагиларни қий-чуви онда-сонда эшитилиб қолар, мен эса унинг ҳар бир сўзларини хаёлан таҳлил қилардиму, баттар қалбим йиғларди.

— Айниқса кетма-кет содир бўлган икки воқеа менинг ҳаётимда бир умрлик сабоқ бўлиб юрагимга ёзилиб қолган. Бешинчи синфда ўқир эдим. Чамамда, ўшанда математика дарси эди, синфдошим Шоира исмли қиз синф ишини кўчириб олиш учун дафтаримни олиб қайтариб бермади. Эртаси куни математика дарси вақтида дафтарим йўқлиги учун «2» баҳо олдим. Ўқитувчига дафтаримни кўрсата олмаганлигимнинг сабабини айтмадим. Дарсдан кейин Шоирани олдига бориб нима сабабдан дафтаримни қайтармаганини сўрадим.

— Дафтарингнимиди? — деб иржайди Шоира худди менсимагандек қараркан. — Дафтарингни укам йиртиб қўйибди. — Унинг безбетларча қилган жавоби мени ҳайратда қолдирганди.

— Мен энди нима қиламан, Шоира?!

— Билмадим, — деди Шоира елкасини қисиб.

— Мен сени энг яхши синфдошим деб юрардим, сен эса...

— Нима мен? Ёмонманми? — дея ўрнидан туриб мени итариб юборди. Полга юзтубан йиқилиб тушдим.

«Сен, ёмон боласан, яхши бўлганингда онанг сени ташлаб кетармиди, сени ҳеч кимга керагинг йўқ. «Детдом»да шунақа болаларни асрайдилар».

— Бу ёлғон гап Шоира, ким сенга бу гапни айтди?

— Ким айтарди, ойим айтди, сизлар бари-бир яхши одам бўлмас экансизлар.

Шоиранинг бу гапидан кейин на йиғлашни, на кулишни билолмай қолдим. Кўзларим хиралаша бошлади. Чунки қорачиғларим ёшга тўлганди. Кўзимдаги алам «сув»ларини артарканман, папкамни олиб индамай чиқиб кетдим. «Демак, биз улғайиб воягa етсак ёмон одамлар бўларканмизда», ўша учун ҳам бизни ёшлигимиздан «болалар уйи»да сақлашар экан-да. Мен буни шу пайтгача билмас эдим, йўқ, мен ёмон бола бўлмайман, фақат яхши инсон бўлишга ҳаракат қиламан, дея ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Дилшод ҚЎЛДОШЕВ

(Давоми бор)

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.35.
Босишга топширилди - 21.30.

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0202
33573 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи К. ТОШМИРЗАЕВ.